



The legal nature of the crime of environmental pollution

Sitora RAKHIMOVA¹

Investigation Department, Division for Coordinating Internal Affairs Bodies' Activities in the
Mirzo-Ulugbek District of Tashkent City

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2025
Received in revised form
15 July 2025
Accepted 25 July 2025
Available online
15 August 2025

Keywords:

pollution,
crime,
environment,
object of crime,
criminal liability,
environmental safety.

ABSTRACT

This article deeply analyzes the criminal legal nature of environmental pollution offenses. It highlights the specific features of the generic, specific, and direct objects of such crimes committed against the main components of the non-living natural world: land, water, and atmospheric air. Furthermore, the characteristics of the objective and subjective aspects of the crime are thoroughly examined, with attention paid to issues such as the form of guilt, motives, and the subject. The article emphasizes the social danger of these crimes and their negative consequences.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss7/S-pp140-147>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Атроф табиий муҳитни ифлослантириш жиноятининг ҳуқуқий табиати

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

ифлослантириш,
жиноят,
атроф-муҳит,
жиноят объекти,
жиноий жавобгарлик,
экологик хавфсизлик.

Ушбу мақолада атроф-табиий муҳитни ифлослантириш жиноятининг жиноят-ҳуқуқий табиати таҳлил қилинади. Табиий муҳитнинг асосий компонентлари бўлган ер, сув ва атмосфера ҳавосига нисбатан содир этиладиган бундай жиноятларнинг умумий, турдош ва бевосита объектларининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Шунингдек, жиноятнинг объектив ва субъектив томонларининг белгилари батафсил кўриб чиқилган, айб шакли, мотивлари ва субъекти каби масалаларга эътибор қаратилган. Мақолада ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги ва унинг салбий оқибатлари таъкидланади.

¹ Investigator, Investigation Department, Division for Coordinating Internal Affairs Bodies' Activities in the
Mirzo-Ulugbek District of Tashkent City.

Юридическая природа преступления загрязнения окружающей природной среды

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

загрязнение,
преступление,
окружающая среда,
объект преступления,
уголовная
ответственность,
экологическая
безопасность

В данной статье подробно анализируется уголовно-правовая природа преступления, связанного с загрязнением окружающей природной среды. Выявлены особенности родовых, видовых и непосредственных объектов таких преступлений, совершаемых в отношении основных компонентов неживой природы – земли, воды и атмосферного воздуха. Также детально рассмотрены признаки объективной и субъективной сторон преступления, уделено внимание таким вопросам, как форма вины, мотивы и субъект. В статье подчеркивается социальная опасность этих преступлений и их негативные последствия.

SUMMARY

This article offers a comprehensive legal analysis of environmental pollution as a criminal offense, emphasizing its multidimensional social danger and legal complexity. It begins by identifying land, water, and atmospheric air as primary environmental components protected under Uzbekistan's Criminal Code, particularly in Part IV, which regulates the use and protection of natural resources. The crime's general object is recognized as public safety and order, while its specific object encompasses ecological security and the protection of human rights to a healthy environment. The direct object, depending on the act, may be a particular environmental element (e.g., water bodies, air, soil) and the legal relationships safeguarding it. The article critiques alternative scholarly views that consider environmental crimes as threats to public order only, arguing instead that their core harm lies in disrupting ecological balance, endangering biodiversity, and compromising rational resource use. Detailed attention is paid to the objective elements of the crime, including the illicit contamination of soil, water, and air through breaches of environmental regulations. The crime's material nature requires demonstrable harmful consequences, and causality must be established between the action and the damage. Additionally, the article discusses the facultative nature of certain elements such as location (e.g., protected zones or disaster areas), which may become legally relevant. Regarding the subjective side, the offense may be committed with intent or negligence—contrary to views restricting it to negligent conduct alone. The author argues that the mental state should be determined based on context, including motive, method, and situational awareness. The perpetrator may be a general subject (any sane person over 16) or a special one (e.g., officials or corporate actors), whose status can aggravate the offense. Although motive is not a mandatory element, it plays a role in sentencing; common motives include profit, career advancement, or institutional pressure. Ultimately, the article underscores the severe and often irreversible damage caused by environmental pollution crimes, which threaten not only natural ecosystems but also public health and long-term economic stability. It concludes that accurate legal classification and stricter enforcement are essential for effective ecological protection and justice.

Ҳар қандай жиноятнинг **ижтимоий хавфлилиги** унинг ўрнатилган ижтимоий муносабатларни бузиши, тартибсизликка олиб келиши, иштирокчиларнинг ўз вазифаларини бажаришига, қонун томонидан берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишига тўсқинлик қилиши билан изоҳланади. Пировардида бу ҳолат жамиятга умумий зарар етказади. Ҳар қандай ижтимоий муносабатларнинг негизида уларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши учун моддий ёки бошқа зарур шарт-шароит бўлиб хизмат қиладиган қадриятлар ётади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 193–204-моддаларида назарда тутилган нормалар билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг асосини табиий муҳитнинг **асосий объектлари – атмосфера, сувлар, ер** ташкил этади. Ушбу нормаларнинг Жиноят кодексининг IV бўлимида жойлашувини ҳисобга олган ҳолда, атроф-муҳитнинг асосий компонентлари ифлосланиши билан боғлиқ жиноятларнинг **умумий объекти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тартиби** деб тан олинishi лозим [1].

Шунга қарамай, айрим ҳуқуқшунос олимлар атроф-табиий муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ жиноятларнинг умумий объектини **жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби** деб ҳисоблайдилар [2]. В.С. Комиссаровнинг таъкидлашича, жамоат хавфсизлиги “жамиятнинг хавфсиз яшаш шароитларини тартибга солувчи, шунингдек, унинг нормал фаолият юритиши учун етарли бўлган ҳимоя даражасини қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий муносабатлар мажмуини” [3] назарда тутаяди. А.В. Наумовнинг фикрича, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тартибини белгиловчи нормалар жамоат хавфсизлигининг барча манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмаган. Шу боис у жамоат хавфсизлиги деганда фақат жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ҳимояланган ҳолатини тушунади [4].

Кўпгина жамоат хавфсизлиги таърифларида **атроф-муҳит хавфсизлиги** шахс, жамият ва давлатнинг умумий хавфсизлигининг энг муҳим таркибий қисми сифатида эътибордан четда қолади. Ф.Р. Сундуrow тўғри таъкидлаганидек, бу жиноятларнинг хавфлилиги шундаки, уларнинг содир этилиши фуқароларга, ижтимоий институтлар фаолиятига нафақат жисмоний, моддий, ташкилий зарар етказиш, балки **атроф-табиий муҳитга ҳам зарар етказиш** билан боғлиқдир [5].

Қонун чиқарувчининг талқинида экология соҳасидаги жиноятларга қўйидагилар киритилиши мумкин: экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш; атроф-табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш; атроф-табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик; атроф-табиий муҳитни ифлослантириш; фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олиш; фойдали қазилмаларни олтин изловчилар усулида рухсатномасиз қазиб олиш; ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш; суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик; экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд nobуд қилиш; ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш; ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш; зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш; ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш; ҳайвонларга нисбатан

шафқатсиз муносабатда бўлиш; сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш; муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш. Буларнинг барчаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишнинг энг муҳим ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ жиноятларнинг объекти **инсоннинг соғлом яшаш ва фаолият юритиш ҳуқуқини таъминловчи, давлат томонидан муҳофаза қилинадиган табиий муҳит ва экологик хавфсизлик** ҳисобланади. Бунга ҳаво, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси киради.

Адабиётларда атроф-табиий муҳитни ифлослантириш жиноятининг объекти турлича белгиланади. Баъзи муаллифлар бундай жиноятларнинг **турга хос объекти** сифатида экологик хавфсизликни тан оладилар. Бунда улар “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунга таяниб, унда экологик хавфсизлик табиий муҳит ва инсон ҳамда жамиятнинг энг муҳим манфаатларини турли характердаги фаолиятнинг салбий таъсиридан, ҳам табиий, ҳам техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлардан ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик сифатида тавсифланади [6]. Э.Н. Жевлаков атроф-табиий муҳит жиноятининг объекти сифатида “жиноий қонун билан қўриқладиган табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, инсон ва бошқа тирик мавжудотлар учун сифатли қулай табиий муҳитни сақлаш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс ижтимоий муносабатлар”ни ҳисоблайди [7]. А.И. Чучаевнинг фикрига кўра, экологияга қарши жиноятларнинг турга хос объекти қуйидаги муносабатларни назарда тутди: “1) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича; 2) табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича; 3) инсон ва бошқа тирик мавжудотларнинг ҳаёт фаолияти учун оптимал табиий муҳитни сақлаш бўйича ва 4) аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича” [8].

Ҳолбуки, фикримизча, экологияга қарши жиноятларнинг, шу жумладан атроф-табиий муҳит ифлосланишига олиб келадиган жиноятнинг объектини бир нечта турларга бўлиб таҳлил қилиш мумкин: **умумий объект, турдош объект ва бевосита объект**.

Атроф-табиий муҳитни ифлослантириш жиноятининг умумий объекти – бу кенг маънодаги **жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибидир**. Бунинг асосий сабаби шундаки, табиий муҳитнинг ифлосланиши жамиятнинг барқарор ва хавфсиз мавжудлигига, фуқароларнинг соғлом ҳаёт кечиришига, шунингдек, давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига бевосита таҳдид солади. Жамоат хавфсизлиги – бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини турли ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимояланган ҳолатидир. **Экологик хавфсизлик** эса бу кенг тушунчанинг ажралмас ва муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ифлосланиш оқибатида аҳолининг касалланиши, табиий ресурсларнинг камайиши ёки йўқолиши, иқтисодиётга етказилган зарар – буларнинг барчаси жамоат хавфсизлигига путур етказди.

Шунингдек, баъзи олимлар умумий объект сифатида **табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича ижтимоий муносабатларни** ҳам кўрсатадилар. Бу ёндашув табиатнинг ўзини, унинг тизимларини ва ресурсларини инсон фаолиятининг салбий таъсиридан ҳимоя қилишга урғу беради [9].

Умумий объект доирасида атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жиноятининг турдош объекти – бу экологик хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир. Бу тушунча қуйидаги учта асосий йўналишни қамраб олади:

а) инсоннинг соғлом ва қулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминловчи муносабатлар: Бу инсон саломатлиги ва фаровонлигининг экологик омилларга боғлиқлигини акс эттиради. Ифлосланган ҳаво, сув ёки тупроқ бевосита инсон саломатлигига таҳдид солади;

б) табiiй муҳитнинг табiiй-экологик мувозанатини ва биологик хилма-хиллигини сақлашга оид муносабатлар: Бунда экотизимларнинг бутунлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг сақланиши асосий ўринда туради. Ифлосланиш кўплаб турларнинг йўқолишига ва экотизимларнинг бузилишига олиб келиши мумкин;

в) табiiй ресурслардан оқилона ва зарарсиз фойдаланишга оид муносабатлар: Сув, ер, ўрмонлар ва бошқа табiiй бойликлардан келажак авлодлар манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда, оқилона бошқариш ва уларни қайта тиклаш.

Атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жиноятининг бевосита объекти – бу жиноий ҳаракат натижасида бевосита зарар етказиладиган ёки зарар етказиш хавфи туғиладиган конкрет табiiй объект ва уни муҳофаза қилиш бўйича ижтимоий муносабатлардир. Масалан:

а) сувларни ифлослантириш жиноятининг бевосита объекти – сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, денгизлар, ер ости сувлари) ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилишга оид муносабатлар;

б) атмосфера ҳавосини ифлослантириш жиноятининг бевосита объекти – атмосфера ҳавоси ва унинг сифатини муҳофаза қилишга оид муносабатлар;

в) ерни ифлослантириш ёки бузиш жиноятининг бевосита объекти – ер ва унинг унумдорлигини сақлаш, рационал фойдаланишга оид муносабатлар.

Бундан ташқари, атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жиноятининг **қўшимча объекти** ҳам мавжуд. Бу асосий объектга тажовуз қилиш билан бирга зарар кўрадиган бошқа ҳуқуқий манфаатлардир. Масалан, **инсоннинг соғлиғи ва ҳаёти, мулк ҳуқуқи, қонуний иқтисодий фаолият** манфаатлари ва бошқалар. Ифлосланиш натижасида етказилган зарар инсон саломатлигига бевосита ёки билвосита салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Гарчи бу зарар миқдорини аниқ ўлчаш ҳар доим ҳам осон бўлмасада, жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини белгилашда бу жиҳат муҳим аҳамиятга эга.

Фикримизча, атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жиноятининг объекти мураккаб ва кўп қиррали тушунча бўлиб, у жамоат хавфсизлигидан тортиб, табиатнинг аниқ компонентларини ҳимоя қилишгача бўлган кенг қамровли ижтимоий муносабатлар тизимини ўз ичига олади. Бу жиноятлар нафақат табиатга, балки инсоннинг ҳаёти ва саломатлигига ҳам жиддий таҳдид солади. Объектни илмий жиҳатдан тўғри аниқлаш жиноятни малакалашда, жазо тайинлашда ва умуман экологик ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида принципиал аҳамиятга эга.

Объектив томондан ушбу қилмиш: 1) ерни ифлослантириш ёки бузиш; 2) сувни ифлослантириш; 3) атмосфера ҳавосини ифлослантириш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ерларни ифлослантириш деганда, кимёвий ёки биологик моддалар билан ишлаш қоидаларини бузиш натижасида тупроқ ҳолатининг ҳар қандай физик, кимёвий ўзгаришлари тушунилади.

Сувнинг ифлосланиши деганда, сув таркибининг (физик, кимёвий ва бошқа) ўзгаришлари тушунилиб, бунинг оқибатида сув тозалиги белгиланган нормативлардагидан кўра кўпроқ ифлосланади. Одатда, сувнинг ифлосланиши сувга саноат ишлаб чиқариши чиқиндилари оқизилиши, заҳарли биологик моддалар, заҳарли кимёвий ¹дориларни сақлаш қоидалари бузилиши ва ҳоказолар натижасида содир бўлади. Оқибатда сувнинг ифлосланганлик даражаси ортиб, инсонга салбий таъсир кўрсатади.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши деганда, атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариб юбориш қоидаларининг бузилиши, бунинг натижасида ҳавода заҳарли моддаларнинг йўл қўйиладиган энг юқори миқдори ошиб кетиши тушунилади. Йўл қўйиладиган энг юқори миқдор деганда, заҳарли моддаларнинг чекланмаган, узоқ давр мобайнида инсон организмга салбий таъсир кўрсатиши истисно этилади.

ЖК 196-моддасида назарда тутилган диспозиция **бланкет хусусиятга** эга. Демак, бу жиноятни квалификация қилишда бошқа қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиш керак бўлади. Умуман олганда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида 100 га яқин қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилади. Бу экологик жиноятларни квалификация қилишда ҳуқуқни қўллашни маълум даражада қийинлаштиради, бироқ қонунда уларнинг таркибини бланкет усулда тасвирлашдан қочиб бўлмайди. Экологик жиноятлар диспозицияларининг бланкетлиги қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини тақозо этади.

Атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жинояти тузилиш хусусиятларига кўра, **моддий таркибли** ҳисобланади, чунки уларда мажбурий белги сифатида тегишли оқибатларнинг келиб чиқиши назарда тутилади. Табiiй муҳит объектларининг ифлосланиши билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишда атроф-муҳитнинг ифлосланиши фактини умумий тасдиқлаш эмас, балки **аниқ оқибатларнинг келиб чиқишини аниқлаш** талаб этилади. Бунда содир этилган ҳаракат ва келиб чиққан зарарли оқибатлар ўртасидаги **сабабий боғланишни** аниқлаш ҳам зарур.

Атроф-табiiй муҳитни ифлослантирувчи жиноятда сабабий боғланишнинг ўзига хослиги шундаки, унинг ривожланиши қонунда назарда тутилган ҳаракатдан келиб чиқади ва шунингдек қонунда кўрсатилган оқибатларнинг келиб чиқиши билан яқунланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 26 декабрдаги “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 36-сонли қарорида судларга табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда қонуннинг алоҳида ёндашув талабларига оғишмай риоя этишлари кераклиги кўрсатилган. Кўп миқдордаги қимматбаҳо ёки ноёб ҳайвонлар, парранда ва балиқларни қириб ташлаш, ўрмонларга шикаст етказиш ёки уларни йўқ қилиш, қишлоқ хўжалиги

мулкларини ишдан чиқариш ва ҳоказо йўллар билан давлатга катта зарар етказган шахсларга нисба²батан қаттиқ жазо чоралари қўлланилмоғи зарур (15-банд).

Атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жинояти таркибининг объектив томони учун жиноят содир этилган жой каби **факультатив белгининг мажбурий мақомга эга бўлиши** ҳам хосдир (денгиз муҳити, континентал шельф, эксклюзив иқтисодий зона, қўриқхона ёки буюртмахона ҳудуди, экологик фалокат зонаси, фавқулодда экологик вазият зонаси ва бошқ.).

Атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жинояти ҳам **қасддан**, ҳам **эҳтиётсизлик** оқибатида содир этилиши мумкин. Гарчи баъзи муаллифлар бу ҳаракатлар фақат эҳтиётсизлик оқибатида содир этилишини таъкидласалар ҳам. Масалан, А.И. Чучаев сувларнинг, атмосферанинг ва денгиз муҳитининг ифлосланиши фақат эҳтиётсизлик шаклини назарда тутди [10] деб ёзади. А.А. Гариеев эса атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жинояти кўпинча эҳтиётсизлик оқибатида, яъни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаслик, хавфсизлик чораларини етарли даражада таъминламаслик натижасида содир этилади деб таъкидлайди [11].

Аммо бизнинг фикримизча, ЖКнинг 196-моддасида назарда тутилган жиноят ҳам **қасддан**, ҳам **эҳтиётсизлик** оқибатида содир этилиши мумкин. Яъни қасддан содир этилганда, шахс ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги экологик оқибатларга олиб келишини англаган ҳолда ва бу оқибатлар келиб чиқишини хоҳлаган ёки уларга онгли равишда йўл қўйган бўлади. Эҳтиётсизлик орқасида содир этилганда эса, шахс ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги зарарли экологик оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан билган, аммо бунинг олдини олиш учун етарли чора кўрмаган (ўзига бино қўйиш) ёки бундай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши керак бўлган ва кўра олиши мумкин бўлган, аммо буни қилмаган (бепарволик).

Юқорида тилга олинган “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Олий суди Пленумининг қарорида (15-банд) агар ЖК 14-боби моддаларида айб шакли кўрсатилмаган бўлса, тегишли атроф-муҳитга қарши жиноятлар ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиши мумкинлиги қайд этилган. Бу ҳолларда айб шакли ҳаракатнинг мазмуни, уни содир этиш усули ва объектив томоннинг бошқа белгилари асосида аниқланиши лозим.

Табиий муҳит объектларининг ифлосланиши билан боғлиқ жиноятлар таркибида мотивлар ва мақсадлар мажбурий белгилар сифатида кўрсатилмаган. Шу билан бирга, улар жазони индивидуаллаштиришда ҳисобга олиниши керак. Уларнинг энг характерли мотивлари **тамагирлик, шахсий манфаатдорлик, мансабпарастлик ниятлари**, мақсадлари эса **моддий фойда олиш, режа (топширик)ни бажариш, хизматда кўтарилиш** ва бошқалардир.

Жиноятнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо шахс бўлиши мумкин. Шунингдек, мазкур жиноятнинг субъекти ҳам **умумий**, ҳам **махсус** бўлиши мумкин. Чунки, атроф-табiiй муҳитни ифлослантириш жинояти мансабдор шахс ёки тижорат ёки бошқа ташкилотда бошқарув функцияларини бажарувчи шахс томонидан содир этилиши нафақат бу шахснинг, балки у содир этган жиноятнинг

ҳам ижтимоий хавфлилик даражасини сезиларли даражада оширади. Бу, шу жумладан, атроф-муҳитга янада жиддий зарар етказиш учун шароит яратилиши сабаблидир. Ва бу ҳолатни табиат объектларининг ифлосланиши билан боғлиқ жиноятлар таркибининг квалитацион белгиларини қуришда ҳисобга олиш керак эди.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, атроф-табиий муҳитни ифлослантириш жинояти жуда юқори даражадаги **ижтимоий хавфлилик** билан тавсифланади, чунки улар одамларнинг, Ер юзидаги барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини фаолияти асосларига тажовуз қилади. Ҳар йили атроф-табиий муҳитнинг ёмонлашуви, табиатга техноген таъсир нафақат маҳаллий, минтақавий, балки **глобал миқёсдаги салбий ўзгаришларга** ҳам олиб келади. Қонун чиқарувчи, бизнинг фикримизча, атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ жиноятлар таркибини экологик жиноятларнинг умумий таркибларидан кейин жойлаштириши бутунлай асослидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Тошкент: “Адолат”, 2024. – 104-105 б.
2. Боковня Александра Юрьевна, Уголовно-правовая характеристика преступлений, связанных с загрязнением окружающей среды, Текст научной статьи по специальности «Право» 2016г
3. Комиссаров В.С Спорные вопросы общего учения об объекте преступления // Сб. учён. тр. Свердл- ун-та. – 2019.– Вып. 10. – С. 170-171.
4. Наумов А.В. Российское уголовное право: в 2 т. – М.: Юрид. лит., 2004. – Т. 2. Особенная часть. – 361 с.
5. Сундуrow Ф.Р. Преступления против общественной безопасности // Сундуrow Ф.Р., Талан М.В. Уголовное право России. Особенная часть. – М.: Статут, 2012. – С. 402.
6. Боковня А.Ю. Преступления, связанные с загрязнением объектов окружающей среды, по уголовному законодательству государств-членов снг // Российский следователь. – 2016. – № 9.
7. Жевлаков Э.Н. Экологические преступления // Российское уголовное право: в 2 т. – М.: Профобразование, 2010. – Т. 2. Особенная часть. – С. 513.
8. Чучаев А.И. Экологические преступления // Сундуrow Ф.Р., Талан М.В. Уголовное право России. Особенная часть. – М.: Статут, 2012. – С. 526.
9. Долгова А.И. Причины отдельных видов преступности и проблемы борьбы с ними. М., 2009.
10. Чучаев А.И. Экологические преступления // Сундуrow Ф.Р., Талан М.В. Уголовное право России. Особенная часть. – М.: Статут, 2012. – С. 528.
11. Гариев А.А. Экологические преступления: уголовно-правовое противодействие М.: Зерцало. 2017. – с 12.